




МУСТАҚИЛЛИК—УЛУФ НЕЪМАТ

Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумбашариёт эътирофи эътибор демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик.

Ислом КАРИМОВ.



Истиқлол байрамига роппа-роса 18 кун қолди.

Мустақиллик шарофати

САВОБ ИЧИДА ЯШАЁТГАН ОДАМ...

— Худога шукр, Мустақиллик бизга кўп нарсаларни берди. Ростини айтсам, Ўрта Осиёда «Бешик» кетаман. Менинг ҳам фамилиям Каримов эканлигини бир дунё фох ва гуру тушман. Юртимиз тинч-осойишта. Деҳқонларга эрк, ҳуқуқ берилди. Иштиёқлар ҳам етарли. Хуллас, ишлаб фақат барака топадиган замон келди...

— Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан номингиз фермерлар рўйхатида. Шундай, Саидвали ота?

— Шундоқ-шундоқ. 1991 йилдан то ҳозиргача деҳқон-фермер хўжалигимиз ҳисобидан давлатга 21 тонна гўшт ва 17 тонна сўт сотганимиз. Ҳозир 20 бошга яқин қора мол парваришляпмиз. 4 та ҳўжалик — хонадонга етарли томоркамиз бор. Токзорларимизнинг ўзи 1,5 гектар. От ҳам, қўй-эчки ҳам, ҳамма ҳаммасидан бор. Мойҳўвонимиз ишлаб турибди. Бу йил галладан ҳам баракали хирмон кутардик. Анча ердаги бедамизни ҳар йили 3-4 марта уриб олиб, қишга озуқа жамлаймиз. Сомон ва хашагимиз ҳам етарли.

Иштихон туманининг Лўқмон Уроқов номидаги жамоа хўжалигига қарашли Чаккар қишлоғидаги бу хонадоннинг бош соҳибиди, 74 ёшли Саидвали ота Каримовнинг таърифи ўзи бир дoston. Унинг сувартида ҳам, сийратида ҳам шарқона, яъни, ўзбекона улғурворлик бор. Ҳизрваши, фариштали инсон. Янаям туғирогои, шарқона яшаш тарзи-миздаги барча эзгуликларнинг камалак куринишлари Саидвали ота тимсолида мўжассам. Саидвали отанинг барча фаизатларини тула таърифлаш учун сўз ожиз, қалам ожиз. У фақат савоб ичида яшайдиган одам.

— 50-йиллардан бундан кетмон менинг энг қадрдон дустим, — дейди Саидвали ота бир пийла чой бахона гурунгда. — Тракторчилик ҳам қилдим, бригадирлик ҳам. Мехнат инсонни қаритмайди, қайтатанга ёшартиради. Нонни эса ширин. Даромад ҳам шунга яраша. Мен

Абдулла ТУРДИЕВ.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йўғилишида гапирилган эди

ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДАГИ ҲАЁТБАХШ КУЧ

Мамлакатимизда ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлган Самарқанд вилоятида истиқлолга эришилган дастлабки кўнларданок катта ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилиб, бу мустақиллигимизнинг саккизинчи йилида янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Халқимизнинг ислохотлар мазмунини ва моҳиятини янада тeранроқ англаши, рўй бeраётган ўзгаришларга тез мослашадиганлиги туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда.

Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида мухтарам Президентимиз Ислом Каримов илгари сурган янги аср араваси ва унинг дастлабки йилларида ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожланиш стратегиясининг асосий устувор йўналишлари вилоятда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

1999 йилнинг утган даври натижалари таҳлили вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқлари ва соҳаларида ижобий ўзгаришлар бўлганлигидан далolat бeради.

Янги ички маҳсулот 12,6 фоизга кўпайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш — 1,5 баробарга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти — 15 фоизга, қурилиш-тўдрат ишлари — қарийб 2 фоизга ошди.

Истеъмол бозорини зарур маҳсулотлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чакана савдода товар сотиш кўпайди. Бунга, энг аввало, вилоятда истеъмол моллари ишлаб чиқариши ошириш орқали эришилди. Ёки халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш икки марта кўпайди.

Мухтарам Президентимиз шу йил 27 июль кунин Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилгиликда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, бу шунчаки бир мақсад эмаслиги, бу соҳадаги энг муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унмдорлигини ва самардорлигини оширишдир, деҳқонларнинг турмуш ва меҳнат шароитини тўздан ўзгариш эҳтимолига ҳақида беҳиз таъкидлаганлари йўқ. Бу масалага Самарқанд вилоятида ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти амалдаги нархларда қарийб 32 миллиард сўмни, ўсиш суръати 115 фоизни ташкил этди. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари натижасида галладан мўл ҳосил этиштирилди. Давлатга дон сотиш режаси бажарилди. Белгиланган қўшимча топшириқ ҳам удалланди. 267 минг тоннадан ортиқ дон сотилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислох қилиш, ҳақиқий мулк эгалари синфини шакл-

зилини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашнинг кўзда тутилган мақсус қарор ва дастур қабул қилинди.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 5 та қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилиб, улар соҳи 152 тага етказилди. 1730 уринли умумтаълим мактаблари, 431 квадрат метр ўй-жойлар ишга туширилди. Утган ярим йил мобайнида 140 километр атрофида водопровод ва 300 километрдан зиёд газ қувири тармоқлари ишга туширилди.

1999 йилнинг устувор йўналишларида бири — Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида ишлар давом эттирилди.

Жорий йилда вилоят бўйича янги 17 та касб-хўнар коллежлари, 1 та академик лицей қурилиши ҳамда 6 та билим юртини қайта таъмирлаш режалаштирилган. Қуриладиган барча объектларнинг тендер асосида лойиҳалаш ишлари нийоясига етказилиб, экспертлар назаридан ўтказилди. Кенг кўламда пудрат савдоси амалга оширилди. Таъмирланган 6 та касб-хўнар коллежиде ишлар нийоясига етмоқда, янги ўқув йилигача топшириш кўзда тутилмоқда.

Албатта эришилган ютуқларимиз салмоқли. Аммо, ислохотларнинг боришини чуқур ва атрофича таҳлил қилиш шунини кўрсатмоқдаки, истиқболли ривожланиш таъминлашда қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг йўғилишида таъкидланганидек, кўпгина корхоналар ва хатто бутун бошли тармоқлар бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг бугунги кун талабларига жавоб бeра олмаслиги сезилиб қоляпти. Аксарият жамоалар ишлаб чиқаришни ташкил этишда эскича ёндашувлардан қутула олмаяптилар.

Биринчи навбатда ҳамкорларни, аввало, хорижий ҳамкорларни излаш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш, корхоналарни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга буюртмалар портфелини шакллантиришда жиддий етишмовчиликлар мавжуд.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз вақтида хари-дорини топа олмаяпти. Аввалгидек омор учун маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда. Шу йил 1 июль ҳолатига қўра, вилоят саноат корхоналари оморларида 4,4 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот қолдиқлари борлиги, шундан 145 миллион сўмлик меъёрдан ортиқча эканлиги аниқланди. Йирик саноат корхоналарининг «Алпомиш», «Кинал» заводларида маъёридан ортиқ товар маҳсулоти қолдиғи кўпайишига йўл қўйилган. Лифт-созлик, Сино заводларида эса, бозор талабларини ҳисобга олмай маҳсулот чиқариш молиявий аҳволни оғирлаштирмоқда.

Яна бир муаммо ҳақида гапирмасликнинг иложиди йўқ. Бу қўшма корхоналар фаолиятига тааллуқлидир. Бугунги кунда вилоятда рўйхатдан ўтган 140 га яқин хорижий инвестицияли корхоналарнинг 8—10 таси четта маҳсулот экспорт қилиш билан шуғулланаяпти, холос. Ҳолбуки вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда унинг экспорт салоҳиятини ошириш қанчалик муҳим аҳамият касб этиши сир эмас.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бугун вилоятдаги экспорт имкониятига эга бўлган корхоналар, хўжаликлар ва бирлашмалар фаолиятини жонлантириш чоралари қурилмоқда. Мавжуд имкониятлар урганилиб, уларни ишга солиш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Иқтисодиётда бундай ўзгаришлар зарур албатта. Бироқ, биз янги жамият қураётган эканмиз, ўзгаришларнинг ўзимиздан бошланиши керак. Ислохотлар жараёнида амалга оширилётган ишлар моҳиятини тeранроқ, чуқурроқ тушуниб етишимиз лозим. Чунки ҳар қандай бозор иқтисодиёти шароитида инсон омили, унинг тафаккури, янгиланишларга бўлган муносабати, изланувчанлиги, интилувчанлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таъбир жоиз бўлса, бунини ислохотлар марказидаги ҳаракатлантирувчи куч деб баҳолаш мумкин.

Азизжон ЖУРАЕВ,
иқтисод фанлари
номзоди.



+ Молдовада АҚШ вакиллари билан ҳамкорликда «Мовий қалқон-99» ҳарбий машқлари бошланди.

+ Испания давлат прокуратураси Чилининг собиқ ҳарбий ҳукмдори генерал Аугусто Пиночетнинг озод этилишини талаб қилиб чиқди. Айни пайтда генерал Буюк Британияда уй қамоғида турибди. Суд жараёни эса сентябрь ойида бошланиши керак.

+ БМТ экспертларининг хабарига кўра 15 август — Ҳиндистон мустақиллиги нишонланган кунда мамлакат аҳолиси бир миллиардга етар экан. Айни пайтда Ҳиндистон аҳоли сони жиҳатидан Хитойдан кейин дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

+ Япония Бош вазири Кейдзо Обуту Хиросиманинг атом бомбардирмони қурбонларини анъанавий хотирлаш маросимида сўзга чиқиб, дунё халқларини ер юзида ядро қуролини тула-тукис тугатишга чакирди. 1945 йилнинг 6 августиде юз берган бу фожиа туфайли ўн минг киши ҳалок бўлганди.

+ Никарагуада Черро Нерро вулкони отилиб чиқа бошлади. Маҳаллий аҳоли хавфли жойни ташлаб кетишга тайёр. Ушбу вулкон мамлакат пойтахти — Манагуадан 120 километр узоқликда жойлашган.

+ Кучли сув тошқини юз бeриши туфайли Таиланд ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисмидан аҳолини қучириш тадбирини бошлади.

+ Япония ҳарбий денгиз қучларига қарашли ўч кема Жанубий Кореянинг Пусан бандаргоҳига етиб келди. Бу ерда икки мамлакат ҳарбий денгизчиларининг ҳамкорликдаги машқлари бошланди.

+ Кейинги йилларда Словакияда ўқ отар қурол ёрдамида амалга оширилаётган жиноятлар сони ошиб бормоқда. Жиноятларнинг ўн фоизига яқини ўсмирлар томонидан содир этилаёттир.

+ Мадриднинг Азор архипелагига қирувчи Сан Мигель оролида икки француз альпинисти ҳалок бўлди. 25 ва 30 ёшдаги бу икки спортчи қояга чиқаётганида чуқур жарликка қулаб тушди.

+ Россиянинг Узоқ Шарқ ҳарбий округида (Хабаровск) аскарларнинг оммавий заҳарланиши юз берди. Маълум бўлишича, аскарларнинг тумбочкалари бирининг тортмасидан сариқ рангли қуқун солинган пакет топиб олинади. Унинг мазаси лимон кислотасининг мазасини эслатарди. Шунинг учун аскарлар қуқунни аввал бутқага кейин эса чойга қушиб ичишган. Аниқланишича, бу қуқун автомобилларнинг иситиш тизимини ва радиаторларини ювишда ишлатиладиган натрий-нитриг экан. У ута заҳарли бўлиб, тирик организмга кирганида қон орқали кислород етиб бeришини тўхтатиб қўяди ва вужудни ҳавосизликдан ўлдирди.

Партия ҳаёти

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДАН

Жамиятни янгилаш йўлидаги ислохотлар муваффақиятини таъминлашда демократияни ривожлантириш, демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга моликдир. Зотан мамлакат тараққиётининг бугунги босқичи фуқароларнинг эркин фикрлаб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга оғли муносабатда бўлишини тақозо этмоқда. Ҳўш, бу борада халқ ва ҳокимият ўртасидаги асосий бўғин ҳисобланадиган сиёсий партиялар фаолияти қандай бўлмоқда?

«Адолат» социал-демократик партияси Челек туман Кенгазининг яқинда бўлиб ўтган йўғилиши ана шу долзарб масалага бағишланди. Унда «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгазининг биринчи котиби У.Нурмухаммедов «Маънавий ва демократик янгиланишда партия ташкилотлари иштирокини кучайтириш» мавзусида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлиб ўтган музокараларда туман электрлаштириш идораси бошлиғи Р. Бўлтаев, туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар бўлимининг раҳбари А.Мухаммадиев, маҳалла ишларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Ж.Мухаммедов ва бошқалар сўзга чиқиб, партия фаолиятини жонлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Анжуманда ташкилий масала ҳам қуриб чиқилди. «Адолат» СДП туман Кенгазининг биринчи котиби этиб туман ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келаётган Абдулла Ҳалилов сайланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Иштихон туман Кенгазининг конференциясида ташкилий масала қурилди. Туман халқ банки бошқармасининг бошлиғи Ақром Қорақулов туман партия кенгазининг биринчи котиби этиб сайланди.

Анжуманда «Адолат» СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби У.Нурмухаммедов партия фаоллари олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида маъруза қилди. Шу кунин «Адолат» социал-демократик партияси сафига яна 50 нафар муносиб кишилар қабул қилинди.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари

РАҚОБАТ—
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИМамлакатимиз демократик, ҳуқуқий давлат қуриш сари
шахдам одимлаб бормоқда

Демократик жамиятни қуришда Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳужжати (Меморандуми)да кўрсатилганидек, учта секторнинг ўзаро ҳамкорлиги, муҳим аҳамият касб этади. Булар давлат, бозор (иктисодий) ва жамоат ташкилотларидир.

Учинчи сектор ҳақида гапирганимизда, улар таркибига энг оммавий ташкилот бўлган қасаба уюшмалари, турли жағғармалар, ҳаракатлар билан бир қаторда мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида катта аҳамият касб этаётган сиёсий партиялар ҳам киришини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Мустақил Республикаимизнинг «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги Қонунида улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қоида ва меъёрлар ўз аксини топади. Ҳар бир сиёсий партиянинг вазифаси алоҳида олинган фўқаролар, ижтимоий қатламлар ва ғуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтаришга қаратилганлиги белгиланган. Партияларнинг энг муҳим мақсади бу манфаатларни уларни қондириши лозим бўлган ижтимоий қатламлар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этишдир.

Сиёсий партиялар у ёки бу манфаатларни ифода этибгина қолмасдан, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевоқиф иштирок этадилар. Улар қонун чиқарувчи ва иқроия ҳокимиятларнинг барқарорлигини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшади. Сиёсий партиялар миллатнинг ҳаётини манфаатларини ифодолловчи жамоатчилик фикрини шакллантириш, сайловлар жараёнида сайловчиларни партия номзодларига овоз бериш учун сафарбар этиш, ҳукумат органларининг барқарорлигини таъминлаш ва ҳоказо каби функцияларни бажаришга ўз мақсадлари деб билдилар.

Шунга қарамай ҳозирги даврда аксар ҳолларда сиёсий партиялар ўз функцияларини тўлақонли бажармоқдалар деб бўлмади. Чунки улар одамларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни рўйбга чиқаришга фол жалб этаолмадилар. Бундай шартларда бирин-бир партия фўқароларини ўзининг қизиқиш ва манфаатларини ҳимоя қилаолмади, зарур ҳолда унга ёрдам бераоладиган ана шундай кучларнинг борлигига ишонириш амри маҳол.

Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий партия энг аввало ўз олдига қўйган мақсадини ва ўз олдига турган вазифаларини аниқ ва пухта аниглаб ётмоғи керак. Иккинчидан эса ана шу мақсадини амалга ошириш восталарини ҳам ҳар бир сиёсий партия эътиборига туриши лозим ва шарт.

Нафсилмабирини айтганда, ҳозирги кунда сиёсий партияларимиз мазкур вазифаларни адо этаолаётганларми? Қомил ишонч билан айтиш мумкинки, бундай вазифалар аксар ҳолларда кампаньивозликдан нарига ўтмаптир.

Партияларимизнинг фаолияти шу қадар сустки дабдурустдан кишилардан бизда ҳозир неча сиёсий партия мавжуд деган саволга жавоб ололмаганимиз табиий. Партияларнинг мақсад ва вазифалари, омма орасида олиб бораётган ишлариданку аксарият фўқароларимиз бехабар.

Хўш, нега шундай? Ахир бир пайтлар демократик ҳуқуқий давлат қурилишини тамойили сифатида бирин-кетин ташкил толган сиёсий партиялар нега ўз олдларига қўйган муҳим муаммо ва масалаларни ҳал эта олмадилар? Нима учун ҳалигача уларнинг эл-юрт олдидики обрў-эътибори ортиб бормайтир? Ахир яккапартиявийлик тизмини тугатилганда энди бизнинг ҳам кўраганимизга демократиянинг майин шабадаси тегади деб қувонгандик-ку, аммо орзулар орзулигича қолди келаётганлигига нима сабаб бўлмоқда?

Сиёсий партияларимиз фаолияти, уларнинг тақдирини тўғрисида уйлар эканман, ана шу саволлар нафақат мени, балки барча партиядош дўстларимизни, умуман фўқароларимизни ҳам ташвишга солаётганига шубҳа йўқ! Аслида, кўппартиявийлик тизими юзасига келтирилганда ҳар бир сиёсий партия ўз қарашларига, гоёсига, ўз фикрига эга бўлиши назарда тутилган эди.

Аммо, назаримда гўё барча партиялар бир ёқадан бош чиқариб, бир хил усулда ҳаракат қилаётгандек, фаолият кўрсатаётгандек. Шу билан бирга мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда фўқарлар муштараклиги нўхоятда зарур. Сиёсий партиялар ўртасида ортиқча тортишув-талашува, сиёсий маҳмадоналикка, популизмга асло йўл қўйиб бўлмади. Лекин ана шу вазифаларни амалга оширишда, унинг чора-тадбирларини белгилашда ҳар бир сиёсий партиянинг ўзига хос ўрни, позицияси бўлмоғи лозим эмасми?

Албатта, сиёсий майдондаги ҳали мавжуд бўлган маълум тажрибасизликлар ҳам бу борада бир оз довдирлаган, нуноқ билан ҳаракат қилишга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмади.

Олий Мажлисида ҳар партиянинг ўз фракцияси мавжуд бўлиб, улар парламентда қабул қилинаётган Қонунлар боридада уларнинг рўй-рост фўқарларини ўз-хотир қилмай айтишлари лозим. Аммо, баъзан шундай ҳолларнинг гувоҳи бўламизки, ушбу фракциялар қабул қилинаётган Қонунларнинг пассив иштирокчисига айланб қоладилар, ҳалқ манфаати, фаровонлигини ўз партиялари номидан туриб бемалол ҳимоя қилаолмадилар ёки бу ҳаракатдан тортинадилар.

Хуллас, ҳали сиёсий партияларимиз кўзини мудроқлик пардаси тўсиб турибди.

Халқимизда адолатнинг тиги ўткир бўлади, деган ажойиб нақл бор. Бизнингча, сиёсий партияларимизнинг ҳаракат Дастури ва Низомларида ана шу фикр муассасманмоғи лозим. Аммо, ҳозирги бу савол аксар партияларимиз ҳаракат Дастурлари ва Низомларида ўз инъикосини топаолмагандек кўринади.

Тўғри, сиёсий партияларимиз ҳам қўл қовутишга, қараб ўтирғанларга йўқ. Аммо кўпгина тадбирлар ҳужажурсинга ўтказилмоқдаки, тадбирни қасаба уюшма ташкилоти ўтказаяпти, «Қамолот», «Нуроний», «Экосан» каби жағғармалар ўтказаяпти, аниглаб олиш мумкул. Чунки бу тажирларда сиёсий моҳият етишмади, оммани ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти сезилмади.

Ҳеч ким билмаган ёки назарга илмаган, нолегал «Хизб-ут-Тахрир» партияси қандай қилиб минглаб одамларни ўз ортидан эргаштира олди экан? Ахир уларни расмий наشري йўқ эди, очик ташкилотлари мавжуд эмасди-ку! Демак, иш услуби ўзгача бўлган. Уларнинг вакиллари тўғридан-тўғри ҳалқ орасида, айниқса мурт бўлмиш ёшлар орасида фол иш олиб бординлар ва айтиш мумкин-ки, айрим натижаларга эришадилар. Бизнинг сиёсий партияларимиз-чи? Фалон кун, фалон ўқув даргоҳи ёки корхонада ўқушув ўтказадилар-у, шу билан иш режасининг бир бандини бажарилган деб ҳисоблайдилар. Уша ўқушувдан ёки суҳбатдан унинг иштирокчилари уларни учун нима олдилар, уларнинг сиёсий онги ва қарашида қандай ўзгаришлар содир бўлди ёки бўлмақда, бу билан ишлари бўлмай келди. Натижада партиялар билан омма ўртасида сиёсий бўшлиқ пайдо бўлдики, аксарият ҳалқ ушбу партияларга жамиятимизда турзилган яна бир ортиска ташкилот сифатида қарай бошладди.

Аслида партияларимиз ҳар бир жамоа, ҳар бир маҳалла, ўқув ташкилоти минбарининг эгаларига айланишлари лозим. Уларнинг жиддий ишларида бир ёшларни ишга жалб этиш, маҳаллалар ва қишлоқларда кичик корхоналар ташкил этиш, шўнингдек, саноат корхоналарининг тармоқларини бу жойларга олиб келиш ишлари билан ҳам шўғулланишдир. Ва энг асосийси, кишиларимиз онгида мустақиллик миллий мафқурасини шакллантириш ҳамда уни тўғри йўналтира олиш зарур. Ана шундангина ҳалқ оммаси жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт йўлида янги куч пайдо бўлганини ҳис этади. Ўз ҳоҳиш-иродаларига қўра у ёки бу партияга аъзо бўлиб қиради.

«Биз партия аъзоларининг сонига қараб эмас, балки сифатига, ишбилармонлигига, ҳалқ билан ҳамнафас бўла олишига, ислохотлар қўламини рўйбга чиқаришда ташаббуслорлигига қараб иш тутамиз», дейилади Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Дастурида. Ҳақиқатда жуда одил ва тўғри фикр. Лекин аслида-чи? Қайси партия кенгаши вакили билан суҳбатлашманг? 8 партия аъзоларининг сонини камлигидан ноллиди ёки кўплигидан гурурланади. Албатта, партия аъзоларининг сони кўп бўлса нур устига аъло нур. Аммо партия сафида соф виждонли кишиларни ҳаракат қилишлари, бу ҳаракат бир мақсад сари — у ҳам бўлса мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўлишига йўналтирилган бўлмоғи лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Уларни амалга оширилиши эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга салмоқли таъсир кўрсатиши керак.

Олий мажлисининг XIV сессиясида сиёсий партиялар фаолиятини қўллаштириш жамият ҳаётини эркинлаштириш стратегиясининг ўстувор йўналтиларидан бири қилиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар фаолиятидаги заиф томонларни аниқ мисоллар билан очиб бердилар ва уларни бартараф этишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб ўтдилар. Сиёсий партиялар ўз муаммоларини ҳал этишлари учун бошқарув органларига янгича фикр юритувчи, замон талабларига жавоб бера оладиган пийшқ ва пухта ходимларни жалб этишлари лозим бўлади. Шу билан бирга ҳар бир ижтимоий ғуруҳ ва қатламларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партияларнинг иш ўзагини ташкил этиши шарт.

Биз юқориди аксар сиёсий партиялар ҳаракат дастурлари ва Низомларида қўйилган мақсад ва вазифалар айнан бир-бирини такрорламаса ҳам ўқашлик томонлари сероблигига тўғрисида фикр юритган эдик. Шўнинг учун ҳам ҳалқ оммаси орасида қайси партия орқасидан эргашшини билломали саро-чинага тушиб, қайси партия бўлса ҳам майли-да, аъзо бўл-сак бўлибмиз қабиланда ҳам иш тутайтганларни ҳал йўқ эмас.

Мустақиллигимиз саккизинчи довондан ўтиш арафасида турибди. Давр ўзгармоқда, талаблар янгиламоқда. Кишилар онгида юксак ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳозирги кунда сиёсий партияларимиз ҳаётида муҳим воқеалар бўшланган. Уларда ҳисобот сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда Уйлаимки, ана шу сайловларга тайёргарлик чоғида ҳар бир партия ўз ҳаракат Дастури ва Низомини яна бир бор қўриб чиқиб, уни янада жанговорроқ ҳолатга келтириши.

Мамлакатимиз катта сиёсий ўзгаришлар олдиди турибди. Юртимизда иккинчи қаҳирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳамда ҳалқ депутатларининг вилот, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш билан боғлиқ бўлган муҳим сиёсий воқеаларни ўз беришига алоҳида тайёргарлик қўрилмоқда. Янги сайловларда мамлакатимизда мавжуд бўлган бешта сиёсий партиянинг қатнашуви қўтилмоқда. Ушбу сайловларда қайси партия ғолиб чиқади, ким кўпроқ овоз олади, деган масала ҳозирданқо кўпчиликини қизиқтирмоқда. Гап партияларнинг ушбу сайловларга қандай тайёргарлик қўришда, омма орасида ўз мавқеини тиклаб олишидадир. Президентимиз Исрол Каримов айтганларидек, «... бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, гоё ва кишиларнинг рақобати, керак бўлса сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб қоидалари доирасида олиб борилиши керак».

Ҳақиқатдан ҳам сиёсий партияларимиз муҳим палла олдиди турибдилар. Партияларимизнинг фол ҳаракат қиладиган пайти етиб келди.

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилот Кенгашининг биринчи котиби.

Қадим-қадимдан доно халқимиз адолатли бўлишга, турли хилдаги салбий ҳолатларга бир-галикда, ҳамжиҳатликда курашиш кераклиги ҳақида даъват қилиб келган ва бу борада бир қатор халқ мақоллари, нақллари борки, улар нақадар ҳаётий эканлигини ибораларнинг ўзи айтиб туради.

Ўзингга эҳтиёт бўл, тий мисол келтирмоқчи-қўшининг ури тутма, миз. Пойтахтимиз Тош-Ушбу сўзларни ўқиб бейхитёр унинг маъ-носига қўчамиз ва бу қадимий нақлнинг ҳо-зирги замонда ҳо-зи асло ўз қадр-қиммати-ни йўқотмаганлигини, билки ўзининг мавқеи-ни янада ҳам мустаҳ-камлаганининг гувоҳи бўламиз.

Бу уринда бир ҳав-тий мисол келтирмоқчи-қўшининг ури тутма, миз. Пойтахтимиз Тош-Ушбу сўзларни ўқиб бейхитёр унинг маъ-носига қўчамиз ва бу қадимий нақлнинг ҳо-зирги замонда ҳо-зи асло ўз қадр-қиммати-ни йўқотмаганлигини, билки ўзининг мавқеи-ни янада ҳам мустаҳ-камлаганининг гувоҳи бўламиз.

Бу уринда бир ҳав-

бўлиб қолишга уринади. Лекин уриниши зое кет-тиб, қўлга тушиб қола-ди.

Яккасарой туманини-қўшбеги даҳасидаги уйларнинг бирига куппа-қундузи, яъни 12.30лар-да М.исмли шахс эшик-ни бузиб кириб, у ер-дан 630 минг сўмлик қимматбаҳо тилла та-қинчоқларни олиб кета-ди.

Кейинги пайтда қўш-ма корхона менеждери Б. Тураев хонадониди кетма-кет ўғирликлар содир бўла бошлади. Милиция ходимларини-қинчовлик билан қилган ҳаракатлари на-тижасида ўғри ушлан-

ди. У қўрилиш ташки-лотларининг бирида ги-тиб терувчи бўлиб иш-лайдиган А.Маскаев де-ган шахс бўлиб чиқди. Илгари судланган бу текинхўр 15-30 июль

ШУМҒИЯЛАР

қўнлари мобайнида 10та дераза, 2та эшик, 10та лампа чўққларини ума-ришга ўлғурибди.

30 июль кўни Юнсо-бод тумани милиция бу-лимига тунда номъълум шахс «Лабзак-кон» ҳу-су-сий корхонаси дераза-сини бузиб, сейфдаги

50 минг сўм пулни ўғир-лаганлиги ҳақида хабар тушди. Ички ишлар хо-димлари тезда но-маълум шахсининг ким-лиги аниқладилар. У илгари судланган бўлса-

нидаги Хилолий қуча-сининг 21-уй 10-хонадо-нининг назоратсиз қолган-лигидан фойдаланиб, куппа-қундуз кўни ўғир-ликка тушармиди? Бу ғи-ри ҳам узоққа боролма-ди. Ўғирлаган 8750 сўм-лик нарсалар билан ми-лиция ходимлари «тур»ига тушди.

Ўғирлик Д.Давидов-нинг ҳам қонига сингиб кетган экан. У Юнсо-бод туманида яшовчи Р.Ҳайдаровнинг хонадо-нини эшигига қалит тан-лаб, қарийб ярим йил давомидида у ердан тур-ли буюмларни ўғирлаб юрган. Хонадон эгаси-нинг аризасига қўра олиб боришдан тезкор

да, ҳеч қаерда ишламай текин лўқма илинжида юрган А.Закиев бўлиб чиқди.

Илгари қилган жино-ят учун қамалиб чиққан В.Горшков ҳам тавбаси-га таянмайдиганлар хи-лидан экан. Бўлмаса бу дайди Яккасарой туман

Партия ахбороти

ЎЗТИРОЗ ЎРИНИ, ШИҚОЯТГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумга Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунўлат Даминов раислик қилди. Унда бир қатор ташкилий масалалар кўрилди.

Албатта бу бежиз эмас. Ҳозир ҳаётнинг ўзи Сийсий партияларнинг фаолиятини янада жонлантиришни тақозо этмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Исрол Каримов Олий Мажлисининг XIV сессияда «Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда» мавзусида қилган маърузасида сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳақида гапирар эканлар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётдан муносиб ўрин олаётганлигини таъкидлаб, уларнинг дастурларида белгиланган қўйилган тартибларнинг жамиятнинг ривожланишига хизмат қилиши, аҳолининг сиёсий фаолиятини оширишга ёрдам бериши зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Тан олиш кераки, партия фаолияти бирмунча жонланаятганлига қарамай ҳали ҳаммаи ҳам қаноатлантираётгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири партия Сийсий Кенгашида қабул қилинаётган қарорларнинг қўйи ташкилотларга етарлича амалга оширилмаётганлигидир. Албатта Тошкент шаҳар партия Кенгаши ҳам бу қусурдан ҳол эмас. Кейинги пайтда Кенгашида ишлар ўз холига ташлаб қўйилди. Қардларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан деярли шўғулланилмади. Пленум қатнашчилари шу-

ларни таҳлил этар эканлар шаҳар партия Кенгашининг айрим аъзоларини кенгаш аъзоллигидан чиқаришни маъқул деб топдилар. Уларнинг ўрнига ҳаётда ва меҳнатда фол партия аъзоларини бир овоздан сайладилар. Тошкент шаҳар партия Кенгашининг аъзоллигига қабул қилинганларнинг орасида ҳужалқ ҳисобидида «Ташэкспертиза» фирмасининг директори Тоҳир Асатов, «Юнсобод» тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Раъно Алиматова, Шайхонтоҳур тумани партия ташкилотининг биринчи котиби Турғун Алимхамедов, маиший хизмат кўрсатиш ҳусу-сий корхонасининг директори Ботир Тилаху-жаев, ҳусу-сий ишлаб чиқариш корхонасининг устакза назоратчиси Абдулҳақ Тўрақонов, «Феруз» корхонаси директори Раъшан Фозилов, «СЭВИЖ Трайдинг» ўзбек-герман қўшма корхонаси раҳбари Бахтиёр Эгамбердиев сингари эл ва юрт иши учун фидойи кишилар бор.

Пленумда шаҳар партия Кенгашининг аъзоси, «Феруз» акционерлик жамияти бошқаруви раиси Раъшан Фозилов бир овоздан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби этиб сайлан-ди.

Пленум кун тартибидидаги кейинги масала — «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик

партияси Сийсий Кенгашининг XII пленуми қарорларини бажариш тўғрисида»-ги ишлар бўйича партия Сийсий Кенгашининг котиби Раъшан Ҳайдаров маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида турган муҳим вазифаларга эътиборни қаратиб, қамчилик ва муаммоларни очик-ойдин кўрсатиб ўтди. Жумладан, пленумда таъкидланганидек, Тошкент шаҳар партия ташкилоти социал-демократик партия таркибда алоҳида ўрин тутди. Биринчидан, у пойтахт шаҳар партия ташкилоти, унинг сафларида таниқли жамоат арбоблари, кўзга қўринган кишилар бирлашган. Иккинчидан, унинг фаолияти марказда бўлгани учун ҳам кўпчилигининг ниғоҳида бўлади. Шу билан ҳам шаҳар партия ташкилотига қўйилган талабларнинг бошқа жойлардаги нисбатан юқори бўлиши табиий.

Шу нуқтаи назардан қара-сак, кейинги икки йилда шаҳар партия Кенгашининг фаолияти сусайиб кетди. Яхши ишлаб келаётган Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Акмал Исромов туманлари партия ташкилотларидан ташқари бир қатор туманларда партияий ишлар ўз холига ташлаб қўйилди. Партия сафларини ўстириш, унинг сафига ҳар томонлама барқамол, соғлом фикр кишиларни жалб этиш, қардлар сифатини ошириш билан шўғулланилмади. Сирғили, Бектемир, Мирзо Ўлбег туманларида эса партия Кенгаши-нинг котибларсиз қолгани бошқаларни таъжубга солди. Шубҳасиз шаҳар партия ташкилотининг янги сайланган котиби ва аъзолари бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар, қолаверса, Сийсий Кен-

гашининг XII пленумида бел-гиланган муҳим ҳаётий қарорларни оғишмай амалга оширадилар.

Музокаралар чоғида суз-га чиққан Тошкент шаҳар партия Кенгашининг котиби Масида Одилова, Ҳамза ту-мани партия Кенгашининг би-ринчи котиби Турсуной Са-лимова, партия фаоли Фер-дуси Музаева партия Таш-килотининг ишини фаоллаш-тириш ва янада қучайтириш билан боғлиқ фикрларни ўр-тага ташладилар.

Пленумда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ак-ромов ҳозирги даврда пар-тияларнинг тугган ўрнига алоҳида тўхталиб, унинг об-рў-эътибори ва мавқеини ошириш билан боғлиқ муно-ҳазаларни ўртага ташлади. Шу билан бирга ҳозирги жа-равналарга ҳолис баҳо бериб, айрим ёшларнинг нопоқ кимсалар ташсирига берилиб кетаётганлигини, турли йўл-дан адашгаётганлигини қаттиқ қоралади, ҳаммаи оғоҳлик-ка даъват этиди. Бу борада партиялар, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотларининг олдиди турган вазифа-лар, қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида ўз фикр-муно-ҳазаларини билдирди.


Тегилли қарорлар қабул қилинган мазкур пленумда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломхамидов, партия Сийсий Кенгаши котиби, «Адолат» газетаси Бош муҳаррири Тўхтамурод Тошев иштирок этидилар.

Рустам АХМАДАЛИЕВ.

• Танишинг:

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

Равшан ФОЗИЛОВ



Равшан Абдулҳаевич ФОЗИЛОВ — 1961 йили Тошкент вилоятининг Ангор қишлоғида ту-гилган. Урта мактабни тугаллаб Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида олиғ маълумот олган. 1995 йилда Тошкент Давлат иқтисодий университетини, 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳу-зуридаги давлат ва жамият қу-рилиши академиясида ўқиб ке-ракли малака ва иқтисосга эга бўлган. Меҳнат фаолиятини 1983 йилда «Ўзбекхлопкомаш»

ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-конструкторлик вази-фасидан бошлаган. Цех бош-лигининг муовини, ишлаб чи-қариш бўлимининг бошлиғи бў-либ ишлаган. 1987—1989 йил-ларда «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош мутахассиси, директор муови-ни бўлган. 1989—1990 йиллар-да «Маҳаллий саноат» вази-рининг бошқарма бошлиғи — бўлим бошлиғи, бош бошқар-ма бошлиғининг муовини вази-

фаларида ишлаган. 1990—1992 йилларда «Ўзрем-бтехника» концерни бошқа-рувининг раиси бўлган. 1992 йилдан бўён ҳозирги вақтга қадар «Феруз» акциядорлик жамияти бошқарувининг раи-си лавозимда ишлаб келмоқ-да. Олиғли, ўч фарзанднинг отаси.

Яқинда бўлиб ўтган пле-нумда Равшан Фозилов Тош-кент шаҳар партия Кенгаши-нинг биринчи котиби этиб сайланди.

ИФТИХОР

Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллик байрами тобора қийинлашмоқда. Муборак айём арасидада қи-лингил ишлар сарҳисоб этилиб, эришилаётган ютуқлар-ниги алоҳида таъкид олинмоқда.

Дарҳақиқат яқин тарихимизга назар ташласак, қи-лингил бехисоб ишлар, кескин ўзгаришлар, ҳалқимиз-нинг катта бунёдкорлик меҳнати самараси эканлигига ғувоҳ бўламиз. Зеро, бундай ютуқлар жамиятимиз ҳаё-тининг ҳамма соҳасида кўзга ташланиб турибди. Ўзе-бекистоннинг бугунги равнақи ва тараққиёти ўзининг қўйинг, ҳатто чет элликларни ҳам бениҳоя ҳайратга солмоқда.

Шуниси қувончлики, ўтган даврда мамлакатимиз Парла-менти ҳам мислсиз даражада шаклланди. Халқ томонидан унга сайлаб қўйилган депутатлар қонунчиликни ривожланти-риш, уни тараққий этган давлатлар қонунчилиги даражасига кўтариш, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳалқимиз манфаат-ларини ифода этишига, унинг ёрқин келажагига хизмат қи-лишига эришиш учун барча чораларни кўрмоқда. Шу билан биргаликда Олий Мажлисининг бир ғуруҳ депутатлари жойларда бўлишиб, маҳаллий аҳоли, турли соҳа кишилари, ёш-у-кекса-лар билан қизиқариб ўрашувларда қатнашмоқдалар. Яқинда Олий Мажлис депутатларидан Хўрид Дўстмухамедов, Фар-рух Муҳиддинова ва Мўтабар Содиковлар ҳам ана шун-дай тадбирларда қатнашиб қайтдилар. Жиззах вилотидидаги бир ғуруҳ фўқаролар билан ўрашиб улар билан дилдан суҳбатлар ўтказдилар.

Бундай ўрашувлар дилин дилга, қалбни қалбга яқин-лаштиради, — дейди Олий Мажлис депутати, Олий Мажлис Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси-нинг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийсий Кенгашининг аъзоси Мўтабар Содикова.

Жиззах шаҳрида, Пахтакор, Фориш, Зомин, Зарбдор ту-манларида фўқаролар билан бўлган ўрашувларда унинг ҳар бир қатнашчиси, кексаю-ёш Президентимиз Исрол Каримов олиб бораётган сийбатни тула қўллаб-қувватлаб, ҳар бири-мизни мустақиллигимизнинг қадрига етишимизга, унга жон фидо бўлишимизга қачирди. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, ҳалқ баҳосидан ҳам юксак баҳо, унинг фикридан ҳам ўткир фикр йўқдир. Бўгун ҳалқ бугунги кунда юртимиздаги ҳар бир ўзгаришнинг қуриб, уни чин дилдан тутиб, бекиёс ўзгаришлар-нинг ахамиятидан тўқинла

